ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

# MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 31 (258) | 2001 йил 1 август, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

«МАҲАЛЛА» ДАРСХОНАСИ

## МАҲАЛЛА – ИЙМОН – ЭЪТИҚОД МАСКАНИ

**XXI асрнинг муҳим вазифаларидан бири - Мустақил Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдир. Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси ва даъвати, Ўзбекистон халқи хоҳиши-иродаси билан танланган халқчил, энг тўғри, самарали, истиқболи порлоқ бу тараққиёт йўли истиқлолнинг ўтган ўн йили давомида ўзининг нақадар ҳаётийлигини кўрсатди.**

Жаҳон давлат ва жамият қурилиши тажрибасида ягона, бетакрор, Ўзбекистоннинг ўзига хос, миллий қадриятларига мос бирламчи бошқарув тизими - ўзини ўзи бошқариш идораси - маҳалла фуқаролар йиғинининг янги демократик жамиятнинг асоси ва таянчи этиб олиниши ва унинг тикланишига, мустаҳкамланишига, нуфузини кўтаришга аҳамият берилиши нур устига аъло нур бўлди. Фуқароларнинг ўзларини ўзлари бошқаришларига ҳуқуқий негизлар яратилди. Буюк Ҳаёт қомусимиз - Конституцияда тарихда биринчи бор маҳалланинг ваколатлари ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқлаб қўйилди.

Равшанки, Асосий қонунимизга мувофиқ, эндиликда ўзини ўзи бошқариш органларининг, маҳаллаларнинг ҳуқуқий манфаатлари давлат ва бошқа жамоат бирлашмалари билан бир қаторда баббаробар муҳофаза этилади, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб берилади.

Маҳаллага қайтиш тарихий воқеадир. У амалдаги аниқ ижтимоий-ислоҳотларнинг, жамиятда мустақиллик шарофати билан юзага келган ўзгаришлар, Президентимизнинг доно сиёсати натижасидир. Инсон омили асос қилиб олинган, бозор иқтисодига ўтиш шароитида илгари сурилган вазифаларнинг, хусусийлаштиришнинг эҳтиёжидир. Янги иқтисод, ижтимоий муносабатлар, сиёсий ўзгаришлар, маънавият-маърифат соҳасидаги чуқур ислоҳотларнинг мевасидир. Барпо этилаётган янги жамиятдаги ижтимоий ўзгаришларнинг, сафларимизга қўшилаётган янги табақаларнинг талаби, иродасидир.

Шу сабабли янги шароитларда маҳаллаларни янги тажрибалар билан, демократиянинг тарихий шаклланган мавжуд тамойиллари билан бойитиб бориш муҳим вазифадир. Айтайлик, оиладан, маҳалладан бошланадиган муносабатлар Шарқ демократиясига хос фазилатлар, умумбашарий қадрқимматга монанд ҳаёт тарзидир. Ўзбек турмуш тарзини ноёб, эътиборли томонларини тўла англаб етмоқ учун эса маҳаллада яшамоқ, ўзбекларнинг маърифатли, меҳнатсевар, меҳр-оқибатли, ҳурматли, жонкуяр, фидойи ва ҳар соҳада фикр юритишга қодир инсон эканликларини ҳис этмоқ даркор. Ўзбек оиласида ота-онанинг муқаддаслиги, кичикнинг катталарга ҳурмати, ҳар қандай шароитда ҳам ёши улуғлар олдида ўзини вазмин тутабилиши, одамларнинг ўзаро муносабати, турли ҳолатларда ҳурмат ва эътирофнинг сақланиб туриши диққатга сазовордир. Жанозада, майит қарзига кафлликда, сағирни ҳаққини емасликда, тобутни етти қадам кўтариб боришда маҳкам туришлик бетакрордир. Шарқона демократиянинг бу каби белгилари беададдир.

(Давоми 2-бетда.)

«MAHALLA» намангганлик муштарийлар ҳузурида бўлди

## ШУ СОНДАГИ

2-саҳифасида:

● Попнинг Чодаксойи сўлим, Чортоқ эса оромгоҳ жой экан.

3-саҳифасида:

● Элга Элликбошилик қилиш учун «бақироқ» бўлиш керак(ми?)

● Ҳашарни аҳил аҳоли қиладди.

● Уй сотсангиз ўзимизда талабгорлар топилади.

4-саҳифасида:

● Мавлононинг маснавийсига «тишингиз ўтса» дунёнинг мағзини чаққан бўласиз.

● Мудҳиш инқилоб кўпларнинг ёстиғини қуритган эди.

● Офтобда сарғайган салатлар меҳмонларга «кор қилди».

## «ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ»

**Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, Республика «Маҳалла» жамғармаси томонидан ўтказилаётган маҳалла болалари ўртасидаги анъанавий футбол турнирининг бу галги яъни мустақиллигимизнинг 10 йилигига бағишланган баҳслари ҳам сўнгги босқичларга етиб келди.**

Бутун республикамизнинг деярли ҳар бир маҳалласидан 9-11, 12-14, 15-16 ёшларга бўлинган ҳолда жамоалар қатнашди. Туманлар ғолиблари вилоят ва Тошкент шаҳри биринчилиги учун ҳам баҳслашиб бўлишди. 15-16 ёшлилар эса Республика ғолиблиги учун гуруҳ ўйинларини Фарғона, Қарши, Наманган ва Тошкент шаҳарларида якунлашди. Бу гуруҳларда ғолиб чиққан Бухоронинг Навоий номли, Косон (Қашқадарё)нинг Навбаҳор, Тошкент шаҳри А.Икромов туманнининг Оқ мачит, Наманганнинг Шарқ тонги маҳаллалари энди ярим финалда куч синашишади.

9-11 ёшлиларнинг Республика баҳсларига тўрт гуруҳда бугун старт берилади. 5 август куни бу гуруҳлардан яъни Нукус, Самарқанд, Жиззах, Наманган шаҳарларида бўладиган ўйинлардан ғолиблар аниқланади. Улар ярим финал ўйинларида иштирок этадилар.

12-14 ёшлилар Низомда кўрсатилганидек, 16-19 августда эмас, балки 8-11 августда гуруҳ ғолиблиги учун Урганч, Самарқанд, Чирчиқ, Андижон шаҳарларида баҳслашадилар.

Гуруҳлар ғолиблари ярим финалчилар ҳисобланадилар.

МАҲАЛЛАЛАРДА САЙЛОВЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ, АММО МУЛОҲАЗАГА ҲАМ ЎРИН БОР.

## НОМЗОДНИНГ ҚАЙСИ ТОМОНИ ЎРГАНИЛДИ?

***Сайлов. У қайси даражадаги бўлмасин маълум ҳудудда яшовчиларнинг жамиятга баҳоси акс этади унда. Мамлакатимизда бўлиб ўтган оқсоқоллар сайлови якуни турли даражада муҳокама қилинди.***

Энг аҳамиятлиси ҳар бир туман, вилоят даражасидаги якуний йиғилишларда, ҳатто Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмитаси ва кенгаши йиғинлари муҳокамасида, таҳририятимизга келаётган ўнлаб хатларда асосан бу сайловлар мамлакатимизда ўзига хос демократик тамойилларнинг намойиши бўлганлигини эътироф этди ва этмоқда.

Аммо таҳририятимизга келаётган шундай мазмундаги хатлар борки, буларни таҳлил қилиш ҳам фойдадан холи бўлмас деб ўйлаймиз.

«Бизнинг маҳаллада 2000 йил 20 апрелда Каримбой Раҳимов йиғин раиси этиб сайланган эди, - деб ёзади Хоразм вилояти Урганч шаҳар Оби Ҳаёт маҳалласидан бир гуруҳ фуқаролар. - Аммо К.Раҳимов ўтган даврда бир қанча камчиликларга йўл қўйди...» Шунингдек, хатда у йўл қўйган камчиликлар ва раис сифатидаги вазифасини маҳалла аҳли истагандек бажара олмаганлиги айтилади. Ҳатто унинг устидан турли идораларга ёзилган шикоятлар ҳам бор. Майли, биз воқеалардан йироқмиз, шу боис вазифасини уддалай олмади деган гапни, ёки устидан шикоятлар ёзилишини ҳам ҳар хил тушуниш мумкин. Ҳамма гап бу сўзларнинг тўғри ёки нотўғрилиги-да. Биз бу хатни тегишли идораларга юбориб қўя қолган бўлар эдик. Агарки...

Қаранг, бугунги кунда оқсоқол фаолиятининг маълум кафолатларидан бири бўлган газ тўловларини йиғиш айнан шу ҳудуд доирасида унинг ўғли зиммасига юклатилади. Тўғри бу ўринда эътироз билдириш мумкин: яъни газ тўловини йиғишга одам тайинлаш газ идораси ходимлари томонидан тайинланади. Аммо унинг оқибатида келинг, оқибати ҳақида тегишли идоралар бизга йўллашсин. Чунки, бу ўринда хатда айтилган айбнома ҳужжати бизда мавжуд эмас. Аммо шу ва кейинги ҳолатдан сўнг бу ерда раиснинг бу идора ходимлари билан ўз манфаати томонидан боғлиқлиги бор, деган гап ҳар бир фуқаронинг хаёлидан ўтади. Айниқса, шаҳар прокуратурасидан аҳоли мана бундай мазмунда жавоб олгандан сўнг.

**«Сизнинг вилоят прокуратурасига ёзган аризангиз кўриб чиқилди.**

**Унда Сиз Оби-ҳаёт маҳалласи раиси К.Раҳимовнинг газ ҳақини тўламасдан келаётганини кўрсаттансиз.**

**Текширишда аниқланишича, К.Раҳимовнинг аризаси асосида «Урганчгаз» идораси ходимлари томонидан унинг турар жой майдони қайта ўлчаниб, газ билан қиздириладиган майдон катталиги асоссиз камайтирилган.**

**Шунга кўра К.Раҳимовдан фойдаланилган газ ҳақини ундиришлик учун шаҳар судига даъво аризаси киритилди ва газ идораси ходимларига нисбатан ҳам тегишли таъсир чоралари қўлланилди.**

**Ушбу ҳақда Сизга маълум қиламан.**

**Х.ЖУМАНИЯЗОВ.**

**Урганч шаҳар прокурори аддия маслаҳатчиси.»**

Хўш, бу нима? Аҳолидан тўловни ундириш ўрнига ўзи шу тўловдан қочиш йўлида газ идораси ходимлари билан тил бириктириш эмасми?

Аммо шаҳар ҳокимлиги буни раиснинг «ютуғи» деб тушунади шекилли, сайловда аҳоли бошқа бир номзод кўрсатишига қарамай танлаб-танлаб Карим Раҳимовнинг номзодини ўртага қўйибди. Сайловда - 110 фуқаро қатнашган. Шундан унинг ҳисоботи учун муносабатда 73 одам бетараф, сайлашда 55 одам бетараф бўлибди. Нега бетарафлар кўп... Хўш, шаҳар ҳокимияти билан бу нозодни маъқуллаганда номзоднинг бу «сир-синоати»дан бехабармиди?! Ҳокимлик номзодни ўрганганда унинг қайси томонларни ўрганди экан? Бунга албатта жавоб кутамиз.

**Ўз муҳбиримиз.**

ЭКОЛОГИК ТАШВИШ

## ДАРОМАД САЛОМАТЛИКДАН ҚИММАТЛИМИ?

**Мирзаакбар ТУРСУНОВ**

***Овчилар қадимий одатга кўра, овланаётган ови томон шамол эсаётган тарафдан боришмайди. Акс ҳолда шамол овчининг ҳидинию, шарпасини ов учун мўлжал бўлган ҳайвонга сездириб қўйиши мумкин.***

Бироқ, афсуски Тожикистондаги алюминий заводининг мутасаддилари жамоатчиликни атмосферага хавфли чиқиндилар чиқарилмаётганига ишонтиришга уринмоқдалар. Лекин ёқимсиз ҳид, аниқроғи ажал хавфи ўзининг асл бўйини кўрсатиб, уларнинг ёлғонларини фош қилмоқда.

Дарвоқе, Тожикистон Алюминий заводининг экологик муаммолари ҳақида 1980 йиллардаёқ хабар топган эдик. Ўша пайтда ўсимликлар дунёсини нобуд қилувчи, касалликни кўпайтирувчи унсурлар Тожикистоннинг Турсунзода ва Сурхондарёнинг Сариосиё туманларидаги заводнинг чиқиндилари эканлиги ошкора айтилган эди. Бироқ, у пайтларда тоталитар тузум чекка ҳудудлардаги аҳолининг соғлиги билан деярли қизиқмасди. Қолаверса, шу дамларда Афғон уруши шиддатли давом этар, ўз навбатида кумуш металл сув ва ҳаводек зарур эди. Шукурки, 1994 йил 17 ноябрда Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасида ўзаро муаммоларни ҳал қилиш учун шартома имзоланди. Ҳозир у бажарилиш арафасида. Аммо кейинги пайтларда завод ўз мажбуриятларини бажармаётганлиги аниқланди. Фторли водороднинг санитар-гигиеник нормативлари ишлаб чиқилмаган. Симоб, азотнинг инсон организмига қай даражада таъсир кўрсатиши ва аҳолига иқтисодий зарари аниқланмаган. Ўзаро ҳамкорликда илмий-техник, экологик дастурлар тузилмаган. Энг асосийси, Ўзбекистоннинг Сариосиё ва Узун туманларига хавфли чиқиндилар ташланишининг иқтисодий зарарлари қопланмаган.

Ўзбекистон томони ушбу ҳолатни яхшилаш мақсадида тожикистонлик мутасаддиларни қўллаб-қувватлашга интилмоқда. Тўғри, уларни ҳам маълум маънода тушуниш мумкин, чунки завод давлат хазинасига чет эл валютасини ярмидан кўпини туширади.

Бироқ бугунги кундаги улар ҳаракатида доллар, халқнинг эртанги саломатлигидан қиммат турмоқда. Ҳа, молиявий ҳолат кўплаб муаммоларни чигаллаштирмоқда. Масалан, Сурхондарё вилояти Денов тумани шифохонаси бош шифокори Ғозневанинг 2001 йил 6 июндаги берган маълумотларига кўра:

Эндокринологик касалликлар бўйича: қандли диабет 1980 йил 133 та бўлган бўлса, 2000 йил 363 та, эндемик касалликлар эса, 60 тадан 9716 тага етганлигини кўриш мумкин.

Терапевтик касалликлардан: пневмания шу давр мобайнида 70 тадан 191 тага етган.

Бронхиал астма 34 тадан 91 тага, сийдик йўллари ва жинсий органлар касаллиги 1980 йил умуман кузатилмаган бўлса, 2000 йил 5680 та, буйрак инфекцияси 48 тадан 668 тага етганлиги қайд этилган.

Бу рақамлар ҳақиқий ҳолатларни ошкор этиш баробарида, тезроқ чора кўришни талаб қилади. Бу ҳол Деновдан кўра, Сариосиё ва Узун туманларида аянчлироқ.

Хуллас, биз бу ўринда ўқувчини рақам ва далиллар мисолида қўрқитмоқчи эмасмиз. Аммо мутахассислар беихтиёр бундай ҳолатларни вужудга келтирувчиларга дуч келишмоқда. Қолаверса, бу экологик қулфат туфайли 18 ёшли ўсмирдан тортиб, ёши улуғ кишиларнинг вужудларида, ҳатто, ҳайвонларнинг тишларида зоҳир бўлмоқда.

Биз оинаижахон янгиликлардан уруш, табиий офатлар ҳақида тез-тез кўравериб, бу нарсаларга кўникиб қолганмиз. Бироқ шу каби ҳолатлар, ўз ҳаётимизда ҳам рўй бераётгани билан бепарволарча муносабатда бўляпмиз. Аслида бурнимизни беихтиёр сассиқ шамол эсаётган томондан беркитишга уринамиз. Аммо ер яхлит организмдай гап. Агар унинг қаеринидир кимдир бузса, табиат қонуни издан чиқади.

Келинг, бу нарсалардан қочиб бошимизни қумга тиқмайлик.

Ахир биз туяқуш эмасмизку...

ОДАМ ОДАМГА КЕРАК

## МЕҲРИБОН КИШИЛАР БОР ЭКАН...

**Одамзот дунёга келар экану, лекин, ҳаётда уни қандай мусибатлар кутиб турганлигини билмас экан.**

**Турмушга чиқиб уч нафар фарзандли бўлганимда қайнотам мени бир этак болаларим билан ота-онамнинг уйларига олиб бориб ташлади. Нима гуноҳим борлигини ўзим ҳам билмайман.**

**Афсуски, болалигимдан улғайган ҳовли энди торлик қилди. «Чиққан қиз чиғиридан ташқари» деган мақолнинг ҳақлигига амин бўлдим, ана ўшанда. Кўчада фарзандларим билан сарсон бўлиб қолдик.**

**Яратганга шукр. Ҳаётда дардингга шерик, йўлингда таянч бўла оладиган меҳрибон кишилар ҳам бор экан. Ингичка қўрғончасидаги Сафар Хушназаров маҳалла оқсоқоли Биноқул Хушвақов, Инобат опа Қурбоновалар ўзим учун, фарзандларим учун яқиндан ёрдам беришди.**

**Уйли-жойли бўлдим. Кам таъминланган оилаларга бериладиган ёрдам пулини, болаларимни нафақасини олиб турибман. Ҳаётим яна ўз изга тушиб кетди.**

**Бу каби кишилар бор экан ватанимиз равнақи тобора ортиб бораверади. Бир умр миннатдорман!...**

**Асолат ШАЙМАНОВА,**
**Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани.**

MAHALLA

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82,

Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

# «MAHALLA»НИНГ МУШТАРИЙСИ ЎШАЛ НАМАНГАН

## МУҚАДДИМА

Уловимиз довон йўлига тирмашганда қуёш уфққа оққан эди. Пурвиқор тоғлар салобат касб этган, чўққиларнинг сояси эллик-юз газга чўзилганди.

Истиқлол йилларидан сўнг бу тоғларда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Натижада дунё аҳамиятига молик катта Магистрал йўл вужудга келди. Мустақилликнинг 9 йиллик тўйи арафасида ер ости йўли ишга туширилди.

Мана, ҳозир ўша ер остидан ўтаяпмиз. Кўнглимизда бир ўй: инсон аҳд қилса тоғни ҳам талқон қиларкан.

Келишувга кўра Попда қўниб, кейин яна йўлда давом этишимиз керак эди.

Шу куни Чодаксойнинг қирғоқларидаги сўрилар бизга қўналға бўлди.

Эрта билан шу маҳаллада бўлаётган тўйга таклиф этишди. Тоғлик дўлвор, айни пайтда меҳрли одамларнинг тўйдаги таомлари билан бир қаторда меҳмоннавозлик одатларидан баҳраманд бўлиб, сафаримизни давом эттирдик.

Чодаксойнинг юқори қисми - тоғ бағрида Олтинкон бор.

Во дариғ, ғоят гўзал манзара. Бу ердан Олтин зарраларига бой тупроқ қазиб олинавергач, унинг ўрнида чуқурлиги 120 метр чамаси ҳовуз, сўнгра унга тоғ сувлари оқиб тушиб, улкан кўл ҳосил бўлибди.

Айтгандай, мазкур кон уруш йилларида очилган. Қазиб олинган бойлик, кўп йиллар ўша пайтдаги марказга ташмалаб кетилган. Кейинчалик озроқ муддат қазиш ишлари тўхтаб қолди. Ниҳоят Мустақилликдан сўнг, мазкур конда ҳаёт қайта жонланди.

**Вилоят Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси Раҳимжон Акромов отахонлар билан доим дилдан сўрашади.**

Жорий йилги «Mahalla»нинг обуначилари сонини таҳлил қилганимизда энг кўп муштарийларимиз Наманган вилоятидан эканлигига амин бўлдик. Шу боис ҳам бутун ижодий жамоамиз билан вилоятнинг газетхон аҳли сухбатига чоғландик. Уларнинг мустақиллик одимларини кўздан кечиришга муяссар бўлдик.

**Поп туманидаги Ғурумсарой маҳалласи фуқоролар йиғини раиси Турсуной Тўйчиева маҳалла фаоллари билан.**

## ЙИҒИН ҚОШИДА ЖАМҒАРМА

Мезбонлар ихтиёри билан М.Умурзоқов номли қишлоқ фуқаролар йиғини, шунингдек, шу йиғинга қарашли Ғурумсарой маҳалласида бўлдик.

Маҳаллада кўз кўриб қувонадиган анчайин ютуқларнинг гувоҳи бўлдик. Айниқса, маҳалла фуқаролар йиғини раиси, яқиндагина олтмиш ёшни қаршилаган Турсуной опа Тўйчиеванинг иш тажрибаси бизни лол қолдирди. Нима қилибди дейсизми? Хўжалик билан шартнома тузиб, 5 гектар ер олибдилар. Ҳосилни шартномада кўрсатилган маълум қисми хўжаликка топширилиб, ортиғи маҳалла ҳисобига қоларкан. Бу эса ўз-ўзидан анчагина даромадни етаклаб келади.

Икки қаватли М.Умрзоқов номли қишлоқ фуқаролар йиғини биносига анчагина маҳалладошлар йиғилишди. Дилдан суҳбатлашдик. Эътиборлиси, мазкур қишлоқ фуқаролар йиғини қошида «Ободончилик ва ижтимоий мадад хайрия жамғармаси»ни тузиш тўғрисида туман ҳокимининг қарори чиқибди. Жамғарманинг Низом дастури тасдиқланиб, Давлат рўйхатига олинибди. Мақсад - қишлоқ ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, кам таъминланган оилаларнинг уйларини таъмирлашда ёрдамлашиш, ижтимоий инфратузулмани ривожлантириш, фавқулодда ҳолатларда эса, мусибат кўрган хонадонларга кўмаклашишдир.

Айни пайтда мазкур жамғармага шу қишлоқ ҳудудида фаолият кўрсатаётган хусусий фирмалардан ҳамда кўнгилли саховатпешалардан хайрия маблағлари келиб тушмоқда.

Биринчи бўлиб эса Ғурумсарой ширкат хўжалиги раиси Абдурахмон Муҳаммаджонов бу ҳисобни бошлаб берди.

**Ғурумсаройдаги коллеж**

## ПОП - ВОДИЙНИНГ ДАРВОЗАСИ

Рўйи-рост айтганда яқин-яқинларда ҳам мазкур туман марказининг «Тегма тўқиламан» дегувчи жойлари кўп эди. Бошқача айтганда шаҳар десак ҳаққимиз кетар, қишлоққа қиёсласак, ошириб юборгандек бўлардик. Энди эса, бу ерга анчадан буён келмаган одам келса таний олмайди. Чунки эски бинолар бузилиб, уларнинг ўрнида янгилари қад ростлаган. Йўллар кенгайиб, ўзгача чирой касб этган. Мўъжаз гулзор, хиёбонлар кўзни қувонтиради. Ҳокимлик биносинику қўя турайлик, аммо Маданият саройининг қайта таъмирдан чиқарилгани кўп савобли иш бўлибди-да. Энг муҳими, шаҳар марказида қад ростлаган икки минг ўринли ёшлар маркази яқин кунларда ишга тушиб қолса борми, бу ҳаммасидан ҳам улуғворроқ бўларди.

Дарвоқе, попликларнинг тирикчилиги ердан. Бир пайтлар уларнинг деҳқончилик маданияти ҳар юртда машҳур эди. Аммо минг афсуски кейинги саккиз йил ичида туман қишлоқ хўжалигига путур етди. На пилла, на буғдой ва на пахта режалари удаланди. Аксинча қолоқлик ботқоғига ботгандан ботиб борилаверди. Ҳар бир жабҳада орқага кетиш юз берди. Хусусан, маҳаллалар ҳаётида ҳам шу ҳол такрорланди.

Шукурки, ўн ой муқаддам Поп туманига Рустамжон Исматуллаев ҳоким бўлиб келдию, аҳвол бутунлай ўзгарди. Ишлаб чиқариш суратлари ошди. Пилла ҳамда ғалла тайёрлаш режалари водийда биринчи бўлиб уддаланди. Натижада ижтимоий соҳаларнинг ҳам елкасига офтоб тегди. Биз туманда бўлиб турли лавозимдаги одамларнинг оғзидан туман ҳокими Рустамжон Исматуллаевнинг фидойилиги, талабчанлиги, халқпарварлиги ҳақида эшитавериб, «Ҳа энди ўз раҳбари ҳақида яна нима ҳам дейиш мумкин?» деган хаёлга бордик. Аммо, Попдаги ўзгаришларни кўз билан кўриб, бу сўзлар бекорга эмас эканлигига амин бўлдик. Ҳатто бир сартарошхонага кириб меҳмонлигимизни айтганимизда ҳам «Бизни ҳам худо қўллаб, Президентимиз бир ҳоким бердиларки...», деб қолишди.

**Наманган маҳаллаларида корхоналар кўп.**

Кун бўйи бизни ҳали рақами ҳам қўйилмаган «Тико»да олиб юриб, истиқлол шарофатидан гапириб толиқмаган бошловчимиз Мавлудахон Шарипова ботиниб гапириб қолди:

- Барча режаларни бажардик. Ютуқлар эвазига эса, мана биз ҳам «Тико»да юрибмиз.

Ҳа, Попда меҳнат ютуқларини муносиб тақдирлашади.

Шунинг ўзи бизга кўп нарсани англатди.

## ИШЧИ МАҲАЛЛАСИ ЯПОНИЯНИНГ ГРАНТИНИ ОЛДИ

Гапни нимадан бошласак экан? Вилоятнинг мамлакатимиз ҳаётидаги ўрниданми ё истиқлолнинг 10 йиллигини муносиб кутиб олишга қаратилган тадорикларданми?

Айтгандай, мустақиллик йилларида Наманган шаҳрида бунёд этилган «Амир Темур», «Бобур», «Нодим Намонгоний» каби хиёбонларию, «Машраб» номли маданият ва истироҳат боғларининг тароватидан сўз очайликми? Ё «Қизилравот» сув иншоотининг қуриб битказилиши туфайли Наманган шаҳри ва бир қатор туманлар аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши яхшиланганининг таърифини келтирайликми? Эҳа, вилоятнинг энг чекка Чодак ва Нанай сингари қишлоқларидаги маҳаллаларда ҳам «зангори олов» порлай бошлаганидан гапирсакмикан-а? Йўқса, хориж сармоядорлари иштирокида 77 та қўшма корхона ташкил этилгани боис, вилоятнинг экспорт салоҳияти кескин ошганлигини қай сўз билан таърифласак? 1 та академик лицей ва 22 та касб-ҳунар коллежларининг барпо этилганиничи? Йўқ буларни санаб саноғига етиб бўлмайди. Ахир яқин вақт мобайнида ҳам Наманганда «Ёшлар маркази», «Фахрийлар уйи», Давлатобод туманида эса, «Бахт уйи»нинг қурилганлиги фақат мустақиллик шарофатидан бошқа нарса эмас.

**Чортоқ тумани оқсоқоллар кенгаши раиси Хосиятхон Шарифбоева маҳалла кутубхонасида.**

Дарвоқе, «Оналар ва болалар» йили муносабати билан вилоят «Оналар ва болалар» скрининг маркази барпо этилди. Эндокринология маркази қайта тикланди. Шунингдек, 57 та янги қурилиш, 27 та мослаштириш ҳисобига қишлоқ шифокорлик пунктлари қад ростлади.

Биз Наманган шаҳрининг Ишчи маҳалласида бўлган чоғимизда шу биргина маҳалланинг ўзида кўплаб тадбиркорлик, бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдик. Хусусан, маҳалланинг янги қуриб битказилган гузари, идора биноси, кутубхона каби иншоотлари, шунингдек, Япония элчихонасининг гранти туфайли қўлга киритилган тикув машиналарининг ишга туширилиши фикримиз далилидир.

**Мавлуда Отабоева Наманган шаҳридаги Ишчи маҳалласига 12 йилдан бери раислик қилади.**

## ЧОРТОҒИМИЗ-ЧОРБОҒИМИЗ

Сарлавҳани бежизга бундай танламадик. Чунки Чортоқ чиндан ҳам Чорбоққа ўхшаркан. Ундаги боғу роғлар, олмазору шафтолизорлар ана шундан далолат бериб турибди. Қолаверса, Навоийшунос олим Жўра Раҳим:

**«Бир олам ҳуснини бергай,**
**Митти шу Чортоғимиз»** дея ҳақли куйлаганлигини айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Қисқаси бу ерда бўлган чоғимизда ҳам кўп савобли ишларнинг шоҳиди бўлдик. Бинобарин, 146 мингдан ортиқ аҳолининг ҳаёт тарзи ҳақида ёзиш биз учун ҳам мароқли.

Айтгандай, айни пайтда тумандаги 53 та маҳаллада мустақиллигимизнинг 10 йиллигига тайёргарлик қизғин давом этмоқда. Хусусан, Оқсақоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси мутасаддилари ушбу сана муносабати билан байрам дастури ишлаб чиқишди. Унга кўра кам таъминланган оилаларга ҳозирданоқ ташкиллаб қўйилган 1,5 тонна буғдой, 5 тонна картошка ва шунга ўхшаш махсулотларни тақсимлаб бериш режалаштирилди. Бу ишда жамғармага тумандаги «Мустақилликнинг беш йиллиги», «Фарғона», «М.Улуғбек», «Бобур» ҳамда «Пешқарон» ширкат хўжаликлари яқиндан ёрдам беришди.

Дарвоқе, туман маҳаллаларида олиб борилаётган хусусий тадбиркорликка ҳам тўхталсак. Зеро, мазкур жараён туфайли минглаб хотин-қизлар, ёш-яланглар ишли бўлаётгани аҳамиятлидир. Масалан, Саркор маҳалласида яшовчи Гулбаҳор Ғайбуллаева 20 нафар хотин-қизларга зардўзлик сирларини ўргатмоқда. Унинг шогирдларига эса туман меҳнат биржаси томонидан стипендия берилмоқда. Шунингдек, Дўстлик маҳалласида ҳам хусусий тадбиркорлик асосида 48 миллион сўм сарфланиб кичик корхона қурилди. «Чортоқ ипаги» деб номланган мазкур ташкилотга ҳозирга қадар 200 нафар йигит-қиз ишга жойлаштирилди. Навоий маҳалласида «Кичкинтой», Туркистон маҳалласида гилам цехи, Пешқорон маҳалласида эса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи «Лида» номли қўшма корхонаси ишлаб турибди. Мазкур иш ўринларининг ҳар бирида 60-100 нафардан ишчилар ойига ўртача 8-9 мингдан маош олиб меҳнат қилишмоқда.

## ТАДБИРЛАРДАН ТОПИЛГАН ЮТУҚЛАР

2000 йилда Чортоқ туманида ўтказилган «Менинг маҳаллам» кўрик-танловида С.Раҳимов маҳалласи вилоятда биринчи ўринни эгаллаган бўлса, «Намунали қайнона» кўрик-танловида ҳам шу маҳаллалик Болтихон опа Ғайбуллаева вилоятда учинчи ўринни қўлга киритди.

«Ибратли келин» кўрик-танлови ҳам туманга сезиларли шуҳрат келтирди. Зеро, Оромгоҳ маҳалласида яшовчи Малика Маҳмудова ушбу кўрик-танловда қатнашиб, республикада фахрли учинчи ўрин эгаси бўлди.

«Покиза хонадон» кўрик-танлови ҳам ўзига хос тарзда ўтди. Унда Наманган маҳалласидаги Маҳаммаджон Ғофуржоновлар хонадони вилоятда иккинчи ўринга муносиб деб топилди.

Бундай тадбирлар жорий йилда ҳам анъанавий тарзда давом эттирилмоқда. Хусусан, «Оналар ва болалар» йилига бағишлаб «Аёлларнинг ҳуқуқи нималардан иборат?» мавзусида ҳар бир маҳаллада учрашувлар ўтказилмоқда. Унда ҳуқуқшунослар, шифокорлар, меҳнат биржаси ҳамда никоҳни қайд қилиш уйи ходимларининг иштироки таъминланмоқда. Айниқса, яқиндагина бўлиб ўтган «Энг ибратли оқсоқол ва кампир» туман кўрик-танлови инсон қадр-қимматини оширишда, хонадонларда осойишта турмушни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

**Тинчлик маҳалласидаги «Нурафшон» корхонасининг ишчи жамоасидан маҳалладошлар мамнун.**

Биз мазкур туманнинг Кораскон қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам бўлдик. Шунингдек, шу ҳудуддаги Тинчлик ва Наврўз маҳаллаларида бўлиб маҳалла оқсоқоллари Рустам ака Султонов ҳамда Абдуваҳоб ака Жалиловларнинг иш-тажрибалари билан танишдик.

Маҳалла жуда аҳил. Бир гуруҳ мўйсафидларнинг табассум ила суҳбатлашиб ўтирганлари устидан чиқдик. Улардан ҳол-аҳвол сўраганимизда Кораскон номли қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли бу маҳалладан тадбиркор Муҳаммаджон Тўрахўжаев бошчилигидаги «Нурафшон» кичик корхонаси маҳалла аҳли корига яраб турибди. Бунинг устига корхона раҳбари маҳалла юмуши учун жон фидо. Уни секорга вилоятда «Маҳалла жонкуяри» танлови голиби деб топишмаган.

Хуллас, ана шунақа гаплар. Сафаримиз шу зайлда давоми. Зеро, ибтидонинг интиҳоси ҳам бор-да. Аслида Наманган ҳақида яна қанча яхши гаплар айтсак арзирди.

**Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,**
**Аслиддин БЎРИЕВ,**
**Фахриддин ХАЙИТОВ,**
**«Mahalla»нинг махсус мухбирлари.**
**Сурат муаллифлари:**
**А.Маткаримов, Т.Маҳкамов, Н.Алмуродов.**

(Боши 1-бетда)

Тарих шоҳид, бундай бебаҳо фазилатлар турли сиёсий тузумлар, мафкуравий тазйиқлар остида ҳам маҳалла жамоасининг ҳамжиҳатлиги, собитлиги, ақл-идроки, садоқати, мустаҳкам иймон-эътиқоди билан ўз қимматини, мазмун-моҳиятини йўқотмай авлодлардан-авлодларга ўтиб келади.

Маҳалла фаолиятида қадриятлар муқимлигини янада яққол кўрамиз. Хусусан олсак, маълумки мустамлакачилар, уларнинг ҳукмрон мафкураси ҳар қандай миллий қадриятларга - тил, дин, ақида, тарих ва анъаналарга, шу жумладан маҳаллаларга қарши пинҳона курашиб, бошқа халқларни манқуртларга айлантиришдек ғоят хавфли сиёсатни юргузган. Кишиларимиз онгида маҳалла тушунчасини бузиб, унинг ўрнига мавҳум, бегона умумий турмуш тарзини ўтказмоқчи бўлган. "Маҳаллам", "ўзбегим" дейиш миллатчилик, миллий чекланганлик деб баҳоланган. Лекин, шунда ҳам маҳалланинг қаддини буколмаган.

Ориятни, миллатнинг шаънини барча нарсадан устун қўйган ўзбек халқи қарийб 130 йиллик мустамлакачилик шароитида ҳам маҳалла - жамоа бўлиб яшаш удумига мувофиқ турли маросимларда бир-бирларининг оғирини енгил қилиш, ҳашар уюштириш анъанасини канда қилмаган.

Ҳозир ҳам чинакам маҳалла аҳли холис, эркин танлаб, маҳалла фуқаролар йиғинига раис этиб сайлаган адолатли, оқил, вазмин, беминнат, фидойи, эл-юрт манфаатини, халқ фаровонлигини ҳамма нарсадан устун қўйиб ҳаракат қилувчи оқсоқолнинг айтгани айтган, дегани деган, амри вожиб. Ҳар қачондагидек, бу кун ҳам, асрлар давомида шаклланган анъанага кўра, маҳалла аҳли доно оқсоқолга бўйсуниб, умумий тартиб-қоидаларга қатъий амал қилиб яшайди. Бинобарин, Президентимиз халқимизнинг ана шундай феъл-атворидан, дунёқарашидан келиб чиқиб, "Ҳозирги вақтда одамларнинг ҳақиқий моддий аҳволини, уларнинг маънавий ва маданий қизиқишлари доирасини маҳалладан кўра яхшироқ биладиган тузилма йўқ" деганларида минг маротаба ҳақдирлар.

Маҳалла - агар мухтасар қилиб айтсак, ўзини ўзи бошқариш дарсхонаси. Бағрикенглик, халқчиллик, ўзаро меҳр-оқибат сингари ноёб инсоний фазилатлар камол топадиган тарбия мактаби. Маҳалла - соғлом ижтимоий фикрлар, ғоялар шаклланадиган маскан. Маҳалла - миллий турмуш тарзимизнинг кўзгуси. Саховат, меҳр-шафқат, муҳтожларга ёрдам бериш каби халқимизга хос бўлган фазилатлар, адолат тамойилига қатъий амал қилиб иш кўриш мезони маҳалланинг шарҳидир.

Маҳалла-дунёвий давлат тузумининг дўсти, тарғибот ишлари билан амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар доирасида шуғулланади. Маҳаллаларда аксари фуқаролар Исломий ахлоқ ва одобнинг ажойиб талаб қоидаларига ўз ихтиёрлари, қалб амри билан, зарурат тарзида амал қиладилар. Зотан маънавий маданиятимизнинг таркибий қисми бўлиб келаётган исломнинг хулқ атворимиз, руҳиятимиз, турмуш тарзимизни мустаҳкамлашдаги ўрни каттадир. Шундай экан, маҳалла ҳудудидаги ижтимоий ахлоқ ва одоб муҳити кўп жиҳатдан Ислом дини пешволарининг, масжид имом - хатибларининг миллий ҳамда умуминсоний манфаатларини кўзлаб маҳалла раислари билан бамаслаҳат, ҳамкорликда фаолият кўрсатишларига мувофиқдир. Бундай баҳамжиҳатлик мамлакатимизда адолатли, демократик янги жамият барпо этилаётган тарихий жараёнда, айниқса зарурдир. Токи, Президентимиз таъкидлаганларидек, бозор иқтисодиёти шаклланаётган ҳозирги даврда юзага қалқиб чиқаётган, диний ниқобга бурканган салбий оқибатларнинг олдини олиш, барҳам бериш имко-

# МАҲАЛЛА–ИЙМОН–ЭЪТИҚОД МАСКАНИ

ниятларига мушарраф бўлайлик. Фарзандларимизни ёшлигиданоқ одобли кишилар қилиб ўстирайлик. Уларни миллий ва умумбашарий ажойиб, гўзал анъаналар руҳида тарбиялайлик, кишиларга нисбатан хушмуомала бўлишга, ҳаётда софдиллик, келажакда комил инсон бўлиб вояга етишига эришайлик. Ростгўй, интизомли, ўзаро дўст ва аҳил, инсонга иззат ва мурувватли бўлиш руҳида парвариш қилайлик. Биринчи галда оилада, маҳаллаларда, масжидда етарли тарбия беришни мукаммал йўлга қўяйлик. Бунинг учун ота-она, маҳалла оқсоқоли, масжид имом-хатибларининг ўзи биринчи галда диёнатли, ҳалол-ҳаромни фарқига борадиган, маънавий бой, маърифатли, тарбия олган бўлиши керак. Иймон-эътиқоли киши мулойим, сабр-тоқатли бўлади. Уриб-калтаклашнинг, беъмани ҳаракатларнинг ижобийдан кўра, салбий таъсири кўпроқ эканлигини англаб муомала қилади, шахсий намуна кўрсатади. Агар уйда ота, маҳаллада оқсоқол банги, ичувчи, ўғри, қиморбоз, зинокор, порахўр, судхўр, қаллоб, товламачи бўлса, у ҳеч қачон маҳалла аҳлига, ёшларга тарбия беролмайди, уларни бу жирканч, ҳаром йўлдан қайтаролмайди. Аксинча, улардан ёшлар гуноҳ, салбий ишларни ўрганади. Динимиз, диний эътиқод кишини покликка, руҳий баркамолликка етаклайди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи вассаллам таълим бериб айтадиларки, "Кимки отасининг яхши ишларини давом эттирса, унинг савобининг ярми ўтиб кетган отага; кимки отасининг ёмон ҳислатларини давом эттирса, унинг гуноҳининг ярми отага бориб тегади". Шунга эришмоқ шартки, айрим ота-оналарнинг, кимсаларнинг қонида бор нопоклиги, фирибгарлиги, Ватан ва миллат манфаатларига бефарқ қараши, бугунги ва келгуси авлодлар тақдири учун масъулиятсизлик, уларнинг маънавий қашшоқлиги, иймон-эътиқодининг сустлиги мустақиллигимизни мустаҳкамлашга раҳна солмасин, миллий ва диний адоватга сабаб бўлмасин. Бунда бевосита халқ билан энг яқин турган маҳаллаларнинг ўрни каттадир. Маҳалла фуқаролар йиғинлари ўз ҳудудларида тарбиявий, ташкилий ишлар билан бирга аҳоли ўртасида ижтимоий соҳага тегишли масалаларни ҳал этишда фаолроқ қатнашишлари, учрашувлар, суҳбатлар уюштиришлари зарур.

Бу борада жойларда амалга оширилаётган ишларни ўрганиш, ижобий саъй-ҳаракатларни, тажрибаларни оммалаштириш муҳим, долзарб вазифалардандир. Биргина Наманган вилоятида, маҳаллаларда янги таҳрирдаги "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунни ўрганиш, ҳаётга тадбиқ этиш юзасидан қилинаётган амалий ишлар, тадбирлар кенг халқ оммасининг муқаддас Ислом динига бўлган эътиқодига мисолдир. Маълумки, мазкур Қонунда виждон эркинлиги, эътиқод эркинлиги тўла кафолатланган. Шу билан бирга унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари яна бир бор аниқ белгилаб берилган. Хусусан, диний ташкилотларга бўлган эркин муносабат, диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказишдаги монеъликларни олиб ташланиши ўзининг кўнгилли, қониқарли самараларини бермоқда.

Шуни ҳисобга олиб маҳалла фаоллари қонун талабларидан келиб чиқиб, маҳаллалар ҳудудидаги барча масжид қавмларига бу масалаларни кенг тушунтириб бермоқдалар. Наманган шаҳридаги "Маданий-маориф" маҳалласини олиб кўрайлик. Маҳаллада жами ўнта масжид бўлиб, шундан биттаси жомеъ, қолганлари маҳаллий масжидлар ҳисобланган. Маҳалла аҳли шу масжидларнинг шароити, уларнинг бир-бирига нисбатан жойлашган масофаси, қолаверса, қонун талабларига, оддий намозхонларнинг зарур эҳтиёжларига қай даражада жавоб беришини ўрганиб, улардан фойдаланишни ҳисобга олиб чиқдилар. Шунда кўпчиликда, баъзи масжидлардан халқнинг бошқа мақсадларида фойдаланиш савоблироқ, деган фикр уйғонди. Кўпчилик ўзаро маслаҳатлашишиб, қайси масжидни фаолиятини давом эттириш, қайсиларидан жамоанинг зарур эҳтиёжларини қондиришда фойдаланиш масаласини ҳал этишди. Шундай эркин маслаҳат, ўй-фикр билан олтита масжидни халқнинг бошқа мақсадларида фойдаланиш учун бериш мумкин, деган одилона ечимга келдилар. Жумладан, маҳалланинг Чортоқ кўчасида жойлашган масжид оталар чойхонасига ҳамда маҳалланинг маънавият ва маърифат марказига айлантирилди. Бундан маҳалла аҳли мамнун бўлди. "Бўзчи мозори" масжидини меҳнаткашларни илтимосига кўра нонвойхонага - "Иссиқ нон" ёпиладиган жойга айлантириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Иссиқ бўрсилдоқ нонларни аҳоли хурсандчилик билан харид қилмоқда. Узоғи яқин бўлди. "Ота қори" масжиди жамоаси фикри эътиборга олинниб, у мева-сабзавот омборхонаси қилинди. Ҳозир мевалар, сабзавот сақланяпти.

Маҳаллада нуроний отахонлар учун эътибор тобора кучайтирилянти. 2-Хидиралиев кўчасида жойлашган "Уста Камолхон" маҳаллий масжидининг қавмлари истаклари ўрганилиб, бу масжидни шаҳар "Нуроний" жамғармасининг маҳалладаги маркази ихтиёрига бериладиган бўлди ва у амалга оширилди. Ҳозир бу марказда нуронийлар йиғилишиб, турли масалаларни ҳал қилиш, дам олиш имкониятига эга бўлишган.

Маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда масжидларнинг жамоаси фикри эътиборга олинган ҳолда "Уста Шаҳобиддин" масжиди тиббий ёрдам кўрсатиш шахобчасига ва сартарошхонага, "Сабзакор" масжиди эса миллий ҳунармандчилик ва чеварчилик корхоналари ихтиёрига берилди.

Мазкур тадбирлардан кўринадики, маҳалла фуқаролари янги таҳрирдаги "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун берган имкониятлардан фойдаланиб ўз иймон-эътиқодларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, савобли ишларни кўпроқ қилиш, маънавий-тарбиявий ишларни янада кучайтириш чора-тадбирларини кўрмоқдалар.

Эътироф этиш жоизки, мустақиллик йилларида барча хурофий таълимот ва тушунчалардан озод умуминсоний ғояларни, миллий хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган янги жамиятни қарор топтиришда ўзини ўзи бошқариш органларининг, маҳаллаларнинг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда.

Айни вақтда, бундай масъулиятли тарихий вазифа ва бурчни муваффақиятли бажариш - юксак билимга, миллий истиқлол мафкурасини англашга қодир, ҳуқуқ маданияти юксак, эркин ва жасур маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоли, маслаҳатчилари ва фаолларидан янада ташаббускор, бунёдкор, фидойи бўлишни талаб қилади.

**Расул ҳожи РАҲМОНОВ,**
**Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

## ХАЛҚАРО ҲАЁТ ПАНОРАМАСИ

● Тожикистон чегараларини бузиб ўтишга ҳаракат қилган яна тўрт нафар афғонистонлик гиёҳванд модда ташувчилар Россия аскарлари томонидан отиб ўлдирилган. Улар 50 кг героин олиб ўтишга ҳаракат қилганлар.

Жорий йил давомида Россия чегарачилари ва тожик милицияси томонидан беш тоннага яқин кўкнори ва героин мусодара қилинган. Шу иш билан шуғулланган 1200 киши қамоққа олинган.

● Эрон ички ишлар вазирлиги қонуний қочоқ ҳужжатига эга бўлмаган афғонларни икки ойдан кейин мамлакатдан чиқарилиб юборилиши ҳақида маълумот тарқатди. Бундай чора кўрилишига сабаб афғонистонлик қочоқлар кўпайганлиги орқасида мамлакатнинг туб аҳолиси ўртасида ишсизларнинг тобора ортиб бораётганлигидир. Маълумотларга қараганда ҳозир Эронда икки миллионга яқин афғонистонлик муҳожирлар яшамоқда. Кейинги кунларда мамлакатнинг турли шаҳарларида бундай аҳволдан норозиликлар кучайиб тўқнашувларга сабаб бўлмоқда.

● Халқаро ташкилотларнинг босими остида толибонлар раҳбари Мулла Муҳаммад Умарнинг ўзлари эгаллаб турган жойларда кўкнори экишни таъқиқлаш ҳақида фармон чиқарганига бир йил тўлди. БМТ қошидаги наркотик моддалар тарқалишини назорат қилиш ташкилотининг билдиришича, ҳақиқатан ҳам Афғонистонда бу оғуни етиштириш анча камайган. Уч йилдан бери рўй бераётган қурғоқчилик ва асосан гиёҳванд моддалар етиштириш билан шуғулланувчи ярим миллионга яқин деҳқонлар аҳволини оғирлашишига олиб келган. Толибонларнинг Покистондаги элчиси Абдусалом Замарнинг сўзларига қараганда денор мамлакатлар афғон - деҳқонларига кўкноридан бошқа экинлар экиш учун олган мажбуриятларини бажармаяптилар.

● Тайванда бўлган табиий офат-тўфон ва унинг кетидан келган сел оқибатида ҳозирча 35 киши ҳалок бўлган. 105 кишининг тақдири номаълумлигича қолмоқда. Мамлакат қишлоқ хўжалигининг деярли ярмига жиддий зарар етган. 90 мингга яқин киши бош-панасиз қолган.

● АҚШ департаментининг масъул ходими яқинда Қозоғистоннинг бу мамлакатдаги элчисини ўз ҳузурига чақириб унга АҚШ ҳукуматининг расмий норозилигини билдирган. АҚШнинг бундай қадам қўйишига АҚШ конгрессида бўлиб ўтган эшитув чоғида Қозоғистоннинг собиқ бош вазири ҳозир хорижда яшаётган А.Кажакел динга Ҳонсул Содиқов томонидан тергов-чақирув қоғозини топшириштга уринганлиги сабаб бўлган. Буни АҚШ томони консуллик этикасига тўғри келмайдиган ҳолат деб баҳоламоқда.

Хориж матбуоти асосида
Ф.ҒОЙИБОВ тайёрлади.

## Маҳалла - ҳаёт дегани

# ЭЛЛИКБОШИНИНГ ФЕЪЛИ ЭДИ

**Оқилжон ҲУСАН**

**Бу Жиззах маҳаллаларининг бирида бўлиб ўтган воқеа, лекин биз учун бугун маҳалла ҳаёти қад ростлаётган пайтда сабоқ бўлар.**

Кечга яқин қишлоқдаги маъракадан қайтаётган Қобилжон Зокиров Авангард кўчасидан Раваллиқ томон бурилаётганда хушчақчақ гаплашиб келишаётган учтўрт йигитга кўзи тушди. Улар ҳам уни кўришдию, суҳбатларидаги хушчақчақлик авжи хиёл пасайгандек бўлди. Йигитлар Қобилжон Зокировга рўбарў келишганда салом беришди.

- Ва алайкум ассалом, қалайсизлар, йигитлар? - деди у билан бирма-бир қўл бериб сўрашишар экан. - Димоғларингиз чоғми? Нима гап, тинчликми?

- Тинчлик, Қобилжон ака, бир уй сотилди, шундан чиқаяпмиз.

Ёши элликдан ошиб, олтмишга қараб бораётган элликбоши уни шу даврда шундай деб аташарди. Қобилжон Зокировнинг жилмайгандек кўриниши баъзан одамларни адаштириб қўярди, қоп-қора мўйлабими ёки мўйлаби остида лабларининг хиёл титрашими кимларнидир янглиштирарди.

- Уйни Пўлат сотдими?.. Сен олдингми, жиян? - деди элликбоши уй сотиб олган жияни Холматга. Қобилжон Зокиров ҳозиргина сўрашаётганида ҳам унинг отини айтувди.

- Уйни сотдингми, Пўлат? - деди Қобилжон Зокиров яна.

- Сотдим, Қобилжон ака, - деди Пўлат Ёқубов.

- Қанчага сотдинг?

- Эллик мингга.

- Қани, пулни бер-чи, санаб кўрай...

Пўлат уйнинг пулини аллақачон хотинига бериб қўйган экан, уйга кириб тезгина олиб чиқди. Элликбоши пулни санаб кўриш ўрнига уй олган жиянига қайтариб берди-да:

- Бу уй сенга бўлмайди, Холмат - деди.

Уй олди-сотдисида қатнашган йигитлар ҳангу манг бўлиб қолдилар. Уларнинг режалари бузилди, бояги хушчақчақликдан асар ҳам қолмади. Уй олган жиян чўрқ этмасдан акасиникига йўл олди, унинг ёнидагилар тескари тарафга юрдилар. Пўлат турган жойида қоқилган қозиқдек туриб қолди... Қобилжон Зокиров уч-тўрт қадам юриб тўхтади-да, Пўлат Ёқубовга бурилиб, баландроқ овозда сўзлади:

- Уйни сотишингни опаларинг билан маслаҳатлашдингми, Ибодат аям билан, Махсумой аям билан, Хадичаой билан? Улар номи аёл бўлишгани билан ҳар қайсиси зардаси билан эркакдан баланд аёллар! Билиб қўй, бу уй сотилмайди! Икки ўғлинг, икки қизинг шу уйда ўсади! Кетсанг, ўзинг кетавер, хотининг билан! Эртами-индин хайрободликлар кетингга тепиб ҳайдашса, сандироқлаб қаерга келасан? Уканг Зарифникигами?! Болаларингнинг аҳволи нима кечади, ўйлаб кўрдингми?.. Демак, бу уй болаларингга қолади, кетсанг ўзинг кетавер!..

Пўлат лом-мим деёлмасди. Бунинг устига элликбоши бостирма қилиб Пўлатга яна сўзлади:

- Даданг - Ёқуб амаким раҳматли сени шу умидда ўстираётувдими?! Энди дадангнинг чироғини Хайрободга бориб ёқасанми?! Билиб қўй, бу элдан кетсанг сени арвоҳ уради!

Қобилжон Зокиров ўзининг қия очиқ дарвозасидан ҳовлисига кирди. Пўлат эса эшитар гапни эшитиб бўлганидан кейин ҳам жойида бироз турди, сўнгра ўз ҳовлиси томон йўл олди...

Элликбоши Қобилжон Зокиров шу даражада қатъий гапли инсон эди! Иккинчи жаҳон урушидан аввал ва уруш йилларида ҳам жамоа хўжалигида бригада бошлиғи бўлиб ишлади. Урушдан сўнг эса уни элликбоши қилиб сайладилар. Унинг элликбошиликка сайланиши жуда тўғри бўлганини кейинги воқеалар тасдиқлади.

- Тоқчилиқнинг Учтолида бир уй сотилаётган экан, шуни гаплашишга кетаяпман, - деб қолди бир куни эшакда кетаётиб раваллиқлик Эгам бобо.

- Ўзингизгами?

- Ҳа, ўзимнинг оиламга... Чеккада юриш жонга тегди, Қобилжон.

- Эшакдан тушинг, эшакни анови дарахтга боғланг... Энди гап бундай. Сизнинг ўз элингиз, ўз мозорингиз бор, бобо, Учтолда нима бор? Сизга шу элдан уй топамиз. Эшагингиз ечилмасидан сизга уй топамиз, зарур бўлса эртагаёқ кўчиб келаверасиз...

Элликбоши тўй қилаётганлар тўйдан олдин маслаҳатга чақиришса, энг аввало бошқа нарсаларни суриштирарди. Жумладан, тўй эгасининг қайси қариндоши ёки қайси қўшниси билан аразлашган-аразлашмаганини. Мабодо ўртада «совуқчилик» тушганлар бўлса жўяли гаплар билан дарҳол уларни яраштирарди.

Элчилик-да, Файзи бойвачча лақабли одамнинг бир ўғли ҳарбий хизматдан вафот этиб келди. Олтмишинчи йиллар. Қобилжон Зокиров ўзи ўғли Ўктамнинг енгил машинасида эрталаб фотиҳага борди. Азахонага кирса, у ерда Қуръон тушириб турадиган домла йўқ экан. Ўзи Қуръон тушириб бўлганидан сўнг ўғли Ўктамга: «Машинангни Жума шофёрникига ҳайда» деди.

Жума шофёрникига - тўйга бордилар. Қобилжон Зокиров қариялар ўтирган сўри ёнига борди-да, улар билан сўрашди. Сўнгра Қуръон туширадиган домлага қараб деди:

- Махсум, сиз тўйда мазза қилиб ўтирибсиз, тўғрими? Файзи бойваччаникида - азахонада Қуръон туширадиган домла йўқ! Шу ҳам инсофданми?! Туринг ўрнингиздан! Битта камбағални шунча хўрлайсизларми?! Чиқинг машинага!..

Жаҳлдор, серзарда элликбошининг гапидан довдираб қолган домла шошганидан кавушини эсидан чиқариб, махсичан ҳолатда Файзи бойваччаникига кириб борди...

...Шукур Саъдулла номли ўрта мактабнинг атрофидаги боғ ҳам элликбоши Қобилжон Зокировнинг ташаббуси билан барпо этилган. Бу ишга у киши икки-уч йил вақт сарфлади: аввало мевали дарахт ниҳолларидан, атиргуллардан эктирди. Сўнгра бутун майдондан тош ва ғишт парчаларини тердирди. Хуллас, атиргуллар очилганда болаларга гулни қандай узишгача ўзи ўргатди:

- Гуллар қўполлик билан узилса ёки юлинса, улар йиғлар экан, болалар. Шунинг учун ҳар бир гулни узишда қайчи ёки кичкина пичоқча ишлатиш лозим. Маълум узунликда оҳиста узилган гул йиғламас экан. Шунга аҳамият беринглар, чироқларим...

Вақти келиб шоир Ҳамид Олимжоннинг ҳайкалини қаерда ўрнатиш масаласи кўрилаётганда, туман ва вилоят раҳбарлари ана шу мактаб атрофида ҳайкал ўрнатишни маъқул кўришди.

Бундан ташқари элликбоши Қобилжон Зокиров Раваллиқ қабристонини кенгайтириш ва бунинг ҳисобига қўшилган майдонларда мевали дарахтлар ўстириш ҳамда обод қилиш, атрофида мустаҳкам деворлар қурдириш ишларига ҳам бошчилик қилди.

- Қобилжон ака элликбоши бўлиб юрганларида элимиз участковой нималигини билмасди, - дейди шу қишлоқлик Раҳмонқул Мелиев. - Ҳақиқатдан шундай! Участка нозири ким эканлигини билмасдик. Чунки бунга ҳожат сезилмасди. Қайси уйда уриш-жанжал бўлса, элликбоши Қобилжон Зокировни чақиришарди. Қобилжон ака бориб, ҳамманинг фикрини эшитиб, ўшанга яраша жавоб айтарди-да, уруш-жанжални пасайтириб, тинчитардилар. Агар ўша одамлардан бирор киши Қобилжон акага тескари гап айтса эшитадиганини эшитарди ҳам...

Жонкуяр элликбошидан беш ўғил, икки қиз қолди. Қизлари ўзларига муносиб жойларга келин бўлишди. Ўғиллари - Ҳотамбой, Ўктамжон, Тошпўлат, Пардабой, Тоҳиржонлар ота-онага муносиб фарзандлар сифатида ўз элида иззат-ҳурмат билан яшамоқдалар.

Сўзимизнинг бошида айтганимиз Пўлат Ёқубов уйини сота олмади. Ўша уйдан икки қизини турмушга берди. Икки ўғлини уйлантирди. Бу орада ўзи вафот этди. Тўғри, бир ўғли уйланганидан сўнг, умри қисқа экан, у ҳам вафот этди. Иккинчи ўғли Ғайратжон эса айни пайтда отаси Пўлат Ёқубовдан қолган уйда яшаяпти - отасининг чироғини ёқиб ўтирибди...

А.ҲАЙИТМЕТОВ

# ЎЗ УДУМЛАРИМИЗ ДАН ҚОЛМАЙЛИК

***Бошқирд халқининг машҳур шоири Мустай Карим бир мақоласида онасининг:***
***- Ўғлим, мен ўлсам, ортиқча дабдаба қилмагин. Қабрим ҳам ҳамманики қатори бўлсин. Бошқаларникидан ажралиб турмасин! - деганини эслаган эди.***

Ҳа, туркий халқларда шундай камтар ҳаёт кечириш, оддийликка интилиш анъанаси кучли. Ўзбек халқининг турмуш тарзини, урф-одатлари, кийинишларини кўздан кечирар эканмиз, бунга яна-да чуқурроқ ишонч ҳосил қиламиз. Ҳаётга бундай ҳаммабоплик, бугунги тилда айтганда, демократик назар билан қараш бизга, назаримда, қадим-қадимдан келган. Уларни шаҳарлардан кўра қишлоқ жойларда ҳамон яхши ва тез-тез кузатиш мумкин.

Масалан, қишлоқда бир одам уй қураётган бўлса, ҳамма қариндошлар, бутун маҳалла фаол иштирок этади. Бу қурилишга ҳар ким қўл кучи, уй қуриш тажрибаси билангина эмас, усталарга, ҳашарчиларга овқат-озиқ билан ҳам ёрдам қилади. Бу қишлоқдаги, аҳоли ўртасидаги аҳиллик, бир-бирига сахийлик, самимийлик белгиларидир.

Қишлоқ халқининггина эмас, шаҳарлардаги барча маҳаллаларнинг тўй ўтказиш расм-русмларида ибрат бўла оладиган хусусиятлар кўп. Масалан, бир қанча жойларда тўйга уйма-уй юриб айтилмайди. Маҳалла кенгаши томонидан белгиланган одам аҳолини ёппасига овоз чиқариб айтади. Бу билан ҳеч кимда «Мени фалончи тўйига айтмади», - деган гапга ўрин қолдирилмайди.

Тўйдагина эмас, уй қуриш, меҳмон кутиш, шу жумладан азада ҳам маслаҳат билан иш тутиш, мавжуд. Асрлар давомида шаклланган урф-одатларга амал қилиш, уларни мумкин қадар ўзгартирмаслик, ўзбошимчаликка йўл қўймаслик - бу оқилона иш юритиш, тўғри яшаш аломатлари.

Бир киши ҳеч қачон ҳамма нарсани, хусусан, халқ урф-одатларини билиши мумкин эмас. Тўй, аза ва бошқа маросимларда ҳар жойнинг ўз урф-одатлари бўлиши, бошқа жойлардаги урф-одатлардан фарқ қилиши кузатилади. Бинобарин, бир жойнинг урф-одатларини юқори қўйиб, ерли аҳоли одатларини камситиш, менсимаслик катта норозиликка сабабчи бўлиши мумкин. Бундай вақтларда ҳар жойнинг ўз урф-одати устун мақомда бўлиши керак.

Халқимиз орасида кишиларни жипслашишга даъват этувчи, қийин шароитларда борини бошқалар билан баҳам кўришга чақирувчи, сабр-тоқатни ҳамма нарсадан устун деб изоҳловчи мақол ва маталлар катта маънавий бойлигимиздир. «Кемага тушганнинг жони бир», «Бўлинганни бўри ер», «Бир болага етти маҳалла ота», «Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл!» каби мақолларнинг ҳар биттаси бир китобдир. «Машойиқлар бир майизни қирқ бўлиб еган эканлари», - деган гапнинг ўзи бир олам маънога эга.

Халқ орасида ҳар бир шахсни шахспарастлик руҳида эмас, бошқаларга ҳурмат, ўзгаларнинг манфаатини ҳам ўйлаш, шу йўл билан жамият ҳаётида ўзаро муносабатларда меъёрни сақлаш, ҳамма билан тинчтотувлик вазиятини яратишга қаратилган мақол ва ҳикматли сўзлар кўп. Баъзан биз уларни биламиз, бироқ унга амал қилмаймиз. «Тегирмон навбати билан» деган мақол ҳам бор. Чунки ҳар биримиз кўпинча «Менинг ишим олдинроқ битсин!» деган кайфият билан яшаймиз. Ҳаётда эса бунга бир биз эмас, ҳамма ҳам ўзи билган-билмаган ҳолда шундай қорали таъсирида бўлади ва бунда бир киши иккинчи кишига йўл бермаса, бунинг оқибатида жамиятда жиддий ихтилофлар келиб чиқиши табиий.

Кўпчиликдан ажралиб, ўзича яшашга ўрганган, яшаш учун ҳамма нарса ўзимда бўлиши керак, ҳеч қачон бировдан бир нарса сўрамаслигим, ҳеч кимга ялинмаслигим керак, - деб яшовчи одамларнинг феъли атворини бизнинг катта бувимиз қоралаб, қўшнилар бир-бири билан доим алоқада бўлиши, кирди-чиқди қилиши керак! - дер эканлар. Шу маънода у киши маҳаллада кели (ўғур) кўпайиб кетса, буни яхшилик аломати деб қарамас эканлар ва бундай одамлар ҳақида:

Ҳар ҳовлида кели бор.
Мохов шекилли, - феъли бор! -

деб матал ўқир эканлар. Қўшнилар билан ака-укадек бўлиб яшашга нима етсин!

Дунёда шундай мамлакатлар ва халқлар борки, ҳатто кийинишда ҳам одамлари бошқалардан ажралиб, ялтираб туришга интилмайди. Бунда ҳам маъно кўп.

Хуллас, «Камтарга камол» деганларидек, келинг, кундалик ҳаётимизда, турмушимизда мумкин қадар халқимизнинг энг яхши анъаналарига риоя қилайлик ва шу йўналишда ўсайлик ҳамда унайлик!

## Таълим

**Ҳусниддин НУРИДДИНОВ:**

# НИҲОЛ АЛБАТТА МЕВА БЕРСИН

**Рост, биз анча ривожландик. Бизни дунё тан олди. Энг муҳими, янгиланиш, яхши яшашга интилиш ҳаётимиз мазмунига айланди. Пировардда буюк давлат қуриш иштиёқи ҳар бир қалбда уйғонди.**

***Бунинг учун келажак авлодни бугундан яхшироқ тарбиялаш лозимгини англадик. Шу боис таълим жараёни янгича хусусият касб этди. Зеро, таълим фақат таълим масканининг эмас, балки, ҳаммамизнинг ишимиздир.***

***Ғузор тумани Халқ таълими мудири Ҳусниддин НУРИДДИНОВ билан қилган суҳбатимиз ана шу ҳақда бўлди.***

**- «Узлуксиз таълим» дейилаяпти. Бунинг соддароқ мазмун-моҳияти нима?**

Бу - боғча, мактаб, коллеж ёки ўрта махсус таълим, ниҳоят олий таълим демакдир. Бола ана шу босқичларни узлуксиз ўтай билса, ундан етук мутахассис чиқиши мумкин.

**- Ғузор туманида ҳам мазкур узлуксизлик таъминланаяптими?**

- Албатта. Олий таълимгача бўлган муассасаларни, хусусан, лицей интернатларни тамомлаган ёшларимизнинг 90 фоизи олий ўқув юртларида билим олишмоқда.

**- Кейинги пайтларда таълимда «интилектуал» деган сўз ишлатилаяпти. Хўш, бунинг хусусияти қандай изоҳланади?**

- Содда қилиб айтганда, «беш қўл баробар эмас, ҳеч бўлмаганда 100 нафар боланинг, бир-икки нафарида худо берган иқтидор, талант бор» дегани. Бундай ўғил-қизларга вақтида эътиборлироқ бўлиш лозим.

**- У ҳолда таълим берувчидан ҳам юқори савия, салоҳият талаб этиларкан-да?**

- Шак-шубҳасиз. Шу боис туманимиздаги мактабгача тарбия муассасаларида ишловчи 76 нафар тарбиячи янги дастур асосида малакасини оширди. Мақсад иқтидорни малакали тарбиячи орқали боғча ёшидаёқ танлаб олиш ва мактабга тайёрлашдир. Ахир бугун эккан ниҳолимиз эртага яхшироқ мева берсин-да. Хуллас, бунга қисман бўлса-да эришилди. Масалан, мактабгача ёшдаги болаларни боғчаларга қамраб олиш даражаси кўтарилди. Шунингдек, 6 та мактабда тўлиқ, 18 та мактабда 70-80 фоизгача болалар фақат боғчалар орқали мактабга тайёрланиб, биринчи синфга қабул қилинмоқда.

**- Мадомики, иқтидор ҳақида сўз очилган экан, ўз навбатида иқтидорлиларга билим берувчи масканлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

- Бу хилдаги муассаса туманимизда 1992 йилдаёқ ташкил этилган эди. Мазкур муассасадаги таълим жараёнини янада ривожлантириш мақсадида вилоят ва шаҳарлардаги бой тажрибага эга бўлган лицейларнинг иш услублари ўрганилди. Хусусан, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиддинов номли лицей жамоаси билан ҳамкорлик шартномаси тузилди. Шунингдек, Хоразмнинг Шовот, Бухоронинг Жондор туманларидаги лицейлар тажрибаси ҳам ўзлаштирилди. Натижада туманимиздаги лицей вилоят миқёсида ўз ўрнини топди. Унинг битирувчилари орасидан республика олимпиадаси совриндорлари, турли кўрик-танлов ғолиблари етишиб чиқди. Бундан ташқари туманимизда яна иккита - Жаҳон тиллари лицей интернати ва Жисмоний тарбия мактаб интернатлари ҳам иқтидорли болаларга таълим бера бошлади.

**- Айттандай, кейинги пайтларда таълим муассасаларида «Психологик хизмат» ташкил этилмоқда. Бунинг таълимга қандай алоқаси бор?**

- Мактабларимизда бошланғич синфдан «юқори» синфларга ўтишда сезиларли узилиш узоқ вақт давом этиб келди. Бу ҳолга сабаб аввало ўқувчини психологик жиҳатдан тайёрлашга эътиборсиз бўлинганлигидир. Иккинчидан, синфларда малакаси паст ёки ўртача ўқитувчилар кўплаб тўпланиб қолган эди.

Давлат таълим стандартларининг жорий этилиши, мактабларда психологик хизматнинг йўлга қўйилиши аҳволни бир мунча яхшилайди. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва педагогик-психологик ташхис марказларининг ташкил этилиши, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишнинг биринчи босқичида амалга оширилган ишларнинг бири бўлди. Бугунги кунга келиб туманимизнинг 70 фоизга яқин мактабларида касб танлаш хоналари фаолият кўрсатмоқда. Бундай имконияти бўлмаган жойларда касб танлаш бурчаклари ташкил этилган. Улар туман, вилоят ҳамда мамлакатимиздаги Академик лицей ва Касб-ҳунар коллежлари ҳақида етарлича маълумотлар билан таъминланган. Ўқувчиларни касбга мойиллигини аниқлаш бўйича мамлакатимизда ишлаб чиқилган методика асосида синовлар ўтказилиб, уларга йўлланмалар берилди. Яъни 9-синфларни битирган 3216 нафар ўқувчидан 600 нафарини касб-ҳунар эгаллаш учун юборилди.

**- Айни пайтдаги ўқув жараёнларининг қийинлашувига сабаб бўлаётган омиллар борми?**

- Бор. Кейинги пайтларда синфларнинг ўртача тўлдирилиши бир неча нафарга кўпайди. Бу ҳол шаҳар мактабларида ҳар бир синфга 35-40 нафар ўқувчи тўғри келишига олиб келди. Натижада синфларда ўзлаштириш бир мунча пасайиб кетди. Шунча миқдордаги ўқувчига бир синфда дарс бериш чиндан ҳам қийинлигини шу йил 9 июнда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ҳам вилоятимиздаги Қамаши тумани Амин Умарий номли мактабга ташрифлари чоғида алоҳида қайд қилдилар. Келгусида бу хилдаги қийинчиликлар бартараф этилишидан умидвормиз.

**Саййид ОЛИМ суҳбатлашди.**

# ДЎСТИМНИНГ ГИНАСИ...

***Искандарнинг шоҳи борлиги тўғрисида ривоятни эшитгансиз. Бу сирдан воқиф бўлган сартарош ваъдасини унутмаган ҳолда бориб фақат қудуққа айтиб кўнглини равшанлаштирганини ким билмайди, дейсиз.***

Мен эса ҳаётимда содир бўлиб дардимни қоғозга тушириб, кўнглимни ёзишга жазм қилдим.

Ўғлимиз хизмат юзасидан бошқа шаҳарда яшайди, жўжабирдай жон. Ўзидан тиниб бола-чақаси билан дарди кўчага чиқмай, муҳтожлик кўрмай ҳаёт кечиришса шукур қиламиз. Қизимиз ҳам ўзидан ортмайди, уларнинг фарзандлик меҳрини ҳар дам сезиб турганимиз ҳолда мутлақо нолимаймиз.

Чоли кампир пенсиядамиз. Бисотимизда «Запорожец» машинамиз бўлиб, оғримиз енгил, узоғимиз яқин эди. Аксига олиб денг бир неча йил бўлди машинамиз яхшигина таъмирталаб бўлиб қолгани бўйича ҳаракатсиз бўлиб қолди.

Маслаҳат билан уйимиз олдига ўрнатилган темир гаражни сотишга қарор қилдик.

- Сотсангиз, шу ўзингизнинг уйингизда яшовчиларга сотинг, қўшниларингиз орасидан талабгорлар топилади, - деди маҳалла оқсоқоли.

Биз бу тўғриларда сўз юритишга улгурмасимизданоқ бир неча йил бир жойда ишлашиб қадрдон бўлиб кетганимиз Аҳмаджон гаражнинг фойдаланилмай бекор ётганини айтиб гараждан сўз очди.

Мен оқсоқолнинг гапларини айтиб, бунинг иложи бўлмаса керак, дедим.

- Бундай гап-сўзларга қулоқ тутиб ўлтирасизми, қадрдонлигимиз ҳақи хўп денг, бегона қилманг, - деди.

- Билолмадим, Аҳмаджон, арзимаган нарсани деб маҳаллада бадном бўлиб қолмасайдим.

...Оқсоқолнинг ўзи қўшнилардан бирини рўпара қилди. Кўни-қўшничиликда оқибатли одам. Орадан вақт ўтиб оқсоқолнинг айтганини қилиб шу қўшнимизга топширдим. Кампирим қаттиқ оғриб қолиб, ҳатто жарроҳлик столига ётадиган бўлиб қолдию, камхаржлик сезилиб гараж учун яхшигина пул олишга тўғри келиб қолди.

Буни қарангки, орадан ҳеч вақт ўтмай гаражимиз ўрнида қурилиш бўладиган бўлиб гаражни кўчиришга тўғри келиб қолди, лекин қаерга...

Аксига олиб денг бизнинг гаражга ҳокимликнинг қарори ҳам бўлмай ҳатто расмийлаштирилмаган экан. Демак гараж бузиб ташланиши керак ва унга давлат товон ҳам тўланади.

Кўп ўтмай бир масалада ҳалиги дўстимга мурожаат қилиб, унинг дабдурустдан қилган муомаласидан кўз олдим қоронғулашиб, бутун борлиқни зимистонлик босгандек бўлди. Кўнгил экан-да.

- Эргаш ака, - деди, ўшанда. - Сиз оқсоқолнинг сўзи билан гаражни бошқа одамга бердингиз, бундан буён бунга ўхшаш ишлар билан менга мутлақо мурожаат қилманг!

- Аҳмаджон... - дея сўз бошлашим билан Аҳмаджон:

- Яна бир гап айтайми? Ишлар бунақасига айланиб кетиб, яъни ўша гаражни олган одам пулига қуйюб қолганидан хурсанд ҳам бўлдим, - деди.

Искандарнинг шоҳи борлигини изҳор қилиш учун сартарош қудуқни ўзига лозим кўрган экан, менинг ҳам нимадир қилишимга тўғри келиб зора кўнглим ёзилса, деган ўй билан қўлга қалам олдим.

**Жаҳонгир АБУБАКИРОВ.**

## Маҳалладаги гап

# Бир йўла уч фарзанд

**Ғиждувон шаҳрининг Фурқат кўчасидаги 36-уйда яшовчи Олимжон Бафоев хонадонида бир йўла уч фарзанд дунёга келди. Икки ўғил, бир қизли бўлган Олимжон ва Шаҳнозахоннинг қувончи чексиз.**

Уларнинг оиласидаги хурсандчилик ғиждувонликларни бефарқ қолдирмаги йўқ. Меҳнат жамоалари, тадбиркорлар бахтли оилани қутлаб, Оналар ва болалар йилида моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда.

Абдуҳолиқ Ғиждувоний номидаги ҳиссадорлик жамияти соғин сигир, «Мададкор» ҳиссадорлик жамияти ҳар бир чақалоққа махсус аптечка, керакли дорилармон тақдим этган бўлса, «Бурҳон» сутни қайта ишлаш фирмаси оилани йил давомида сут ва сут маҳсулотлари билан бепул таъминлашни ўз зиммасига олди. Туман солиқ идораси ҳам саховатдан четда турмай, кичкинтойларга кийим-кечак ҳадя этди.

Ҳасанжон, Ҳусанжон ва Заҳрохоннинг саломатлиги яхши.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА**

2001 йил 1 август
№31 (258)

ТАЪЛИМ БЕРГАН УСТОЗИНГДАН. "ҲАР ТИЛАГИНГ ...". НОН ҲИДИ. СУВ ИЧСАНГ-ДА БИЛИБ ИЧ.

Аш-Шайх Абдусаллом ал-Муборакфурий

# СИЙРАТ АЛ-ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ

## Тарихий рисоладан парча

**(Давоми, боши аввалги сонларда)**

Ал-Бухорийга таълим берган устодлари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, биринчи навбатда ўша даврда Бухорода кўзга кўринган муҳаддислардан Муҳаммад ибн салом ал-Пойкандий, Муҳаммад ибн Юсуф ал-Пойкандий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий, Иброҳим ибн ал-Ашъас ва бошқаларни тилга олиш мумкин. Ҳадислар бўйича дастлабки сабоқни ал-Бухорий мана шу устодалардан олиб, 16 ёшига қадар кўпдан-кўп ҳадисларни ўзлаштириб, Абдуллоҳ ибн алмуборакнинг китобларини ёд олди. Тез фурсатда ал-Бухорийнинг ноёб қобилияти ва зукколиги кўпчилик уламолар, шунингдек, ал-Бухорийга устозлик қилган машҳур муҳаддислар томонидан ҳам баланд баҳолана бошлади. Бу ҳол шу даражага етдики, ҳатто таниқли алломалар ҳам ал-Бухорийнинг ўз дарсларига ҳозир бўлишидан ташвишланиб, унинг олдида бирор хато ёки камчиликка йўл қўйишларидан ҳадиксираб қўрқадиган бўлиб қолдилар. Улар ўз китобларидаги нуқсонларни тузатиш учун ал-Бухорийга мурожаат қилардилар. Мана шу пайтларда, яъни ҳадислар талабида ал-Бухорий бошқа юртларга сафарга чиқишдан илгари бир воқеа бўлиб ўтган экан. Шу ҳақда Салим ибн Мужоҳид шундай ҳикоя қилади: «Бир куни Муҳаммад ибн Салом ал-Пойкандийнинг уйига борғон эдим, у менга, «Бироз олдинроқ келқонингда етмиш минг ҳадисни ёд олғон ёш болакайни кўрар эдинг», - деди. Мен шу заҳоти орқамга қайтиб, кўчага чиқдим ва ўшул болани учратиб: «Етмиш минг ҳадисни ёд билурмен, дейдиғон бола сенмусен», - деб сўрасам, ул: «Ҳа, андин ҳам ортиқроқни ёд биламен», - деди. Мен саҳобалар ва тобеъинлардин токи аларнинг кўпларини таваллуд ва вафотлари, аларнинг масканларини аниқ билмағунимча, бирорта ҳам ҳадис ривоят қилмағаймен. Шунингдек, саҳобалар ва тобеъинларнинг ҳар бир ҳадисни Қуръони карим ва пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларида аслига биноан ривоят қилғаймен», - деди. Муҳаммад ибн Салом ал-Пойкандийнинг ушбу сўзлари ҳам ал-Бухорий ёшлигидан бошлаб катта обрў-эътиборга эга бўлганлигига далилдир. Унинг: «Муҳаммад ибн Исмоил қачонки менинг ҳузуримга кирса, ҳар доим мен ўзимни йўқотиб, доим андин қўрқиб турамен»-деган эътирофига, ал-Ҳофиз ибн Ҳожар: «Анинг (ал-Бухорийнинг) ҳузуринда у хато қилиб қўйишдан қўрқар эди», - деб бу фикрни бир қадар ойдинлаштиради, Муҳаммад ибн Салом ал-Пойкандийга доир бу фикр-мулоҳазалар айтилган пайтда ҳали ал-Бухорийнинг илми Бухородаги ўз устодлари илмидан зиёд бўлмаган бир даврга тўғри келади. Шунингдек, Бухородан жўнаб кетгандан кейин Имом ал-Бухорий ал-Пойкандий билан сира учрашган эмас.

**Араб тилидан Убайдулла УВАТОВ таржимаси.**

## ДУО БАЁНИДА

Дуонинг маъноси ҳақ таоло даргоҳида ҳожатни арз айламоқ ва мақсадларни адо бўлмас фазли файзидин тиламоқ бўлур.

Ҳар давлатмандким дуо калитини қўлга олур. «Удуъний истажиб лакум» ваъдаси бирла ижобат эшиги, албатта анинг юзига очилур. Оятнинг маъноси: тилангизлар мандин муродингизларни, агар тиласангизлар албатта берурман сизларга, демак бўлур. Бу оятда амир синасидин сўнгра халфу шад фикин зарри мухатдат бирла муқаддардир. Валлоҳу аълам биссаваб.

Дуо қилмоқ икки ғараздан холи эмас: ё манфаат ҳосил қилмоқ учун эрур, ё ўздан зарарни даф қилмоқ учун бўлур.

Подшоҳлар бу икки ишнинг ҳар биридин ўзига лозим тутмай иложи бўлмас, бириси манфаатлар топмоқ, яъни мамлакатлар тузалиб обод бўлмоқ ва салтанат барпо бўлиб, пойдор ўлмоқ ва ҳар ойнаи бу манфаатларни шикасталик ва зорийлиқ бирла ҳазрати ғанийкорсоздин тиламоқ керак. Токи ҳурмат тахтида фароғат бирла барқарор бўлмоқ муяссар бўлғай.

Байт:

Шоҳ ким ҳожат тилаб ҳақ ишидан тошай мурод,
Ноз тафтида нечук ўлтургувчи хушвақт шод.

Ва яна бириси макр қилгувчилар ва зарар етқазгувчиларни даф этмоқ. Яъни, хусуматчилар ҳужум қилмоқни ва душманлар ғалаба келтирмоқни ва ё ўзга болаларни ким мисли аълам ва раж бўлғай ўздан йироқ этмоқ бўлур. Ва тазарруъ ва зорий ва гиря, ва дуо қилмоқ муяссар бўлмас. Чунончи, бу сўзни ҳазрати Мавлоно ҳам маснавийда келтирубдурларким, таржимаси будур:

**Эй, тиларсан жон балодин қутқариш,**
**Жон тазарруъ ичра келтур будур иш.**
**Зорининг ҳақ олдида кўп қиймати,**
**Ҳам тазарруънинг улуғдир ҳурмати.**
**Бул тазарруъ бирла шод улғайсан,**
**Йиғлагилким то оғизона кулғайсан.**
**Эй, хуш ул кўз ким анга гирён эрур,**
**Ҳар йиғининг охириси хандадур,**
**Охирин кўрган муборак бандадур.**

Хабарда андоқ келибдурким, одил подшо дуоси мустажобдур. Ким Ислом шаҳарларидин бирида бир кеча-кундуз муттасил ёмғир ёғди. Андоғ бўлдиким, халойиқлар ишлари душвор бўлди. Ва келур, борур йўллари банд бўлди. Иморатлар ҳаммаси вайронликка юз қўйди. Улуғ-кичикни кўнгилларига беҳад ваҳшат ва изтироб тушди. Мунажжимлар айтур эдиларки, бизлар фалакиёт илмининг мутолаасидин истидлол қилдикким, бизларга маълум бу шаҳарнинг ҳаммаси сувнинг остида хароб бўлса керак.

Яхшилар гулшани

# Ахлоқул Муҳсинин

**Улуғ муҳаддис олимлар, алломалар ўз асарларида, амалий фаолиятларида ҳеч қачон дунёвий ишларни диний эътиқод билан қарама-қарши қўйган эмаслар. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг «Барча муслим ва муслималар илм ўрганишлари фарз» деган муқаддас васиятлари бунга асос ҳисобланади. «Яхшилар гулшани» рукнида шундай энг ардоқли, энг муқаддас йўлни, икки дунё саодатини улуғлаган, олий мақсадларни илгари сурган, мутафаккирлар, олимлар асарларини газетхонларга етказишни лозим топдик.**

**Биз яхши ният билан «Mahalla» газетасининг шу бугунги сонидан бошлаб XV асрда яшаб, ижод этган қомусий олим, шоир ва аллома Ҳусайн Воиз КОШИФИЙнинг «Ахлоқул Муҳсинин» китобидан боблар ёритишга аҳд қилдик. Уни диншунос Аваз ҳожи ҲАЙДАРОВ билан Расул ҳожи РАҲМОНОВ чоп этишга тайёрлаган. Исломшунос олим Абдулазиз МАНСУР таҳрири остида ёритилмоқда.**

Халқ ҳамма хону монларидан кўнгул кўтардилар жазо ва фазо бисёр бўлди. Чун душворлик ҳаддин ошди ва тоқатлар тоқ бўлди. Эрса подшоҳи одил ва покиза киши эрди. Ҳамма шаҳар аҳли кўнглига тасалли бериб, ўзи хилватга кириб ҳожат ва шикасталик юзин тупроққа қўйди. Айтадиким, бор Худоё поко парвардигаро бу шаҳарнинг ҳамма халқи хароб бўлишига кўнгил боғлади. Сен қодирсанким, уларнинг тасаввурини ботил қилғайсан ва қудратинг асорини халойиққа зуҳрга келтургайсан.

Чун муножати мунга етди эрса дарҳол ёмғир тўхтади ва офтоб чиқди.

Бу ҳикоят равшан дадилдурким чун подшоҳни эътиқоди пок ва кўнгли раийятга рост бўлса, ҳар дуойиким ўзи учун ва ё раийят учун қилур албатта, ва албатта ижобат шарафин топар.

Қитъа:

**Шоҳийким камоли лутфи бирла,**
**Қўйди бошин узра тож шоҳи.**
**Ҳар тилагинг, тила анингдин,**
**Ул бергуси мақсадинг камохий.**

Абдул ҚОДИР

## СЕНГА АЙТАР СЎЗЛАРИМ...

*Яссавийёна*

Сенга айтар сўзларим айтилмасдан ётарлар,
Айтолмаган сўзларим тамоғимга ботарлар.
Агар сен оқил эсанг, ўзингни Ой деб билсанг,
Нега маломат тошин сенга қараб отарлар?
Бахтинг юлдузи кулган. Кўнглинг яна не тилар?
Икки кўзинг не учун бир-бирини сотарлар?
Яна не дей, дилбандим? Донолардан ибрат ол.
Ҳар яшаган кун учун улар шукр этарлар.
Нақшбанд ҳазратлари ит оёғин ўпибди,
Депти: - «Вафо бобида улар биздан ўтарлар».
Буюкликнинг илдизи камтарликдан ичар сув.
Манмандикдан ёғилар бошга юз минг хатарлар.
Олам аҳлин билсангиз, бир-бирига қариндош.
Фарзандлари кун ора аразлашиб нетарлар?.
Дунёда ҳеч гавҳар йўқ она юртингдан афзал.
Унга фидойиларни қаҳрамон деб атарлар.
Одам борки, азалдан яхши сўзнинг гадоси.
Ширин сўз, пок инсонлар у дунёда ютарлар.

Қуёш уфқдан найза бўйи кўтарилди. Бу маҳал Бойсун кўчалари серқатнов, чойхоналари одамлар билан гавжум бўлиб қолади.

- Буғдойранг чеҳрасига кексалик ажинлари тўр ташлаган, соч-соқолига кумуш ранг эмган, ёши саксондан ошган яна бир чол «Нуроний» чойхонасига кириб келди. Суяниб қадам ташлаган қора ранг ҳассасини чорпоя ёнига илиб қўяётган эди, ерда ётган бир бурда нонга кўзи тушди. Энгашиб нонни қўлига олди. Пуф-пуфлаб чангини тозалади, сўнг хира тортган кўзларига босди, оппоқ қошларига суртди. Шу алфозда нон бўлагига термулганича ўйга толди.

Назаримда у бободеҳқон ҳақида, унинг эл-юрт маъмурчилиги, ризқ-насибаси, дастурхонининг қут-баракасини яратиш йўлида қилган машаққатли меҳнати, реза-реза тўккан пешона тери тўғрисида ўзича мушоҳада юритаётгандек туюларди менга.

Бу отахонни танийман, қўшни маҳалладан. Исми Умрқул. Ўзи ҳам деҳқон. Суяги далада қотган. Она замин билан «дардлашиб», «сирлашиб» умргузаронлик қилган. Ерга қадаган бир дона уруғи юз дона бўлиб бош тортган, хирмонини юксалтирган. Умрқул ота яхши билади: шу бир бурда нон учун қанчадан-қанча меҳнат ва маблағ сарфланганини. Шунақа, ғаллакор меҳнати қадрли, эъзозга муносиб.

Чорпоядан ўрин олган йигитнинг ҳурмат ва эҳтиром ила мўйсафидга берган саломидан у ҳушёр тортгандек бўлди.

- Ваалайкум ассалом, омонмисан, болам, - қандайдир изтироб оҳангида сўрашди чол.

- Раҳмат, - қўлини кўксига қўйди йигит. - Хаёлингиз паришон кўринади, ота. Нима тобингиз қочдими? Бирор ёрдам керакми?

- Соғман болам, - салмоқлаб сўзлади қария. - Аммо шу бир бурда нонни ерда, оёқ остида, тупроққа қоришиб ётганлигини кўрдим-у, вужудимни титроқ босди. Ахир, бу нон-ку, ризқимиз, насибамиз, ҳаётимиз манбаи. Ўтмишимиз кечагидек кўз ўнгимда. Ҳамма-ҳамма воқеа, ҳодисалар эсимда. Мудҳиш инқилоб, Иккинчи жаҳон уруши йиллари эл бошига нечун мусибатларни солмади. Бир бурда нон қаерда, эди дейсиз.

Сизлар кўрмагансиз у кунларни, кўрманглар ҳам. Амал-тақал қилиб, кун кечирардик. Тонгни дала бошида қарши олиб, тун ғира-шираси-гача қўлда ўроқ урардик, ғалла янчардик. Дам олиш бегона эди, бизга. Бўш вақт бўлди дегунча ердан бошоқ терардик. Бир бурда нон учун қанчадан-қанча бегуноҳ кишилар жон бердилар. Энди ҳўрлик, мустақиллик замонаси келди. Фаровонлик. Ҳамма нарса бисёр. Дастурхон тўкин-сочин. Қўлимизни қаерга узатсак етади. Бунинг учун аввало яратганга ҳамду санолар айтамиз. Кейин, Йўлбошчимизга минг раҳмат. Истиқлол ғалабаси чўқур илдиз отсин, мустақиллигимизнинг умри боқий бўлсин, деймиз.

Шуни унутмайлик. Нон тирикчилигимиз манбаи! Уни исроф қилиш, нонкўрлик. Бир бурда нон у ёқда турсин, ҳатто унинг ушоғини ҳам эъзозлашимиз, қадрига етишимиз ҳаммамизнинг инсонийлик бурчимиз.

Қариянинг куюнчаклик билан айтган бу сўзлари атрофдаги одамларнинг эътиборини тортди. Уларнинг қалбида нондек бебаҳо неъматга ҳурмат яна бир карра уйғонгандек бўлди.

- Қуллуқ сизга, Умрқул ота.

**Омон ШУКУРОВ.**

MAHALLAга
Узбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри
обуна бўлиш учун ҳеч қачон ҳали эрта ёки кеч деб ўйламанг!

Дарддан йирок бўлинг

## Истеъмолда ҳам ҳушёрлик зарур

Ёз кунлари кўпчилик аҳоли, айниқса болалар турли жойларда чўмиладилар, чанқоқни бостириш учун турли чанқов босди ичимликлар ичадилар.

Ана шу иссиқ кунларда озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш қоидалари бузилса овқатдан заҳарланиш ҳамда ўткир юқумли ичак касалликларига йўлиқиш мумкин.

Маълумки, ташқи муҳитда - сув, ҳаво, тупроқ, озиқ-овқат маҳсулотларида озми-кўпми микроблар ва вируслар мавжуд.

Улар баъзан сапрофитлар ёки касаллик қўзғатувчи патоген тури бўлиши мумкин. Бу микроблар ва вируслар оз миқдорда безиён бўлиб, фақат санитария қоидалари бузилганда тез кўпайиб, истеъмол қилган одамнинг саломатлигига зиён етказади, ичбуруғи, қорин тифи, сальмонелез, иерсиниоз ҳатто вабо касаллигига олиб келади.

Бу хасталикларнинг сабаби оддий бўлиб, мулоҳаза талаб этади. Масалан, бетобларнинг бири кўчада айрон ичган, иккинчиси кечадан қолган овқатни еган, учинчиси номаълум кишилардан торт, хонум ёки қўлбола гумма еган, лагмон учун хамир тайёрлашга эриниб, бозорда қўлдан целлофанда музлатгичсиз сақланган хамир сотиб олиб, оила аъзоларини касал бўлишига сабабчи бўлган.

Тошкентнинг 2-Қора Сув мавзесида яшайдиган бир аёл туғилган кунини нишонлаб, дўсту дугоналарининг шифохонага етишига сабабчи бўлган. Боиси, бир неча соат офтобда қолиб кетган салатларни дастурхонга тортиқ этганидир.

Хўш, бу каби ҳодисаларнинг олдини олиш мумкин-ми? Нима қилмоқ керак?

Энг муҳими, кўча ва бозорларда сотилаётган, уй шароитида санитария талабларига зид тарзда тайёрланган хонум, хасиб, бодроқ, турли салатлар, гумма, қандолат маҳсулотларини сотиб олишдан олдин шифохоналарда ётганларни, куз олдингизга келтиринг.

Шу кунлари савдода авж олган ўрик шарбати, гўжа, мослаштирилган текширувдан ўтмаган турли чанқоқ босди ичимликларни ичишдан олдин, эътибор беринг: стакан қандай ювилаяпти, водопровод тизимига уланганми, санитария назоратининг рухсати борми, махсус кийим кийганми, тиббий кўрикдан ўтганми?

Чунки кўп «тадбиркорлар» ноқонуний мосламалар қилиб «газли сув» ёки ичимликлар сотмоқдалар.

Сут коктейли сотаётгандан ҳам сўраб кўринг: врач рухсати борми? Сут текширилмаган бўлса, «коктейл» қилишда санитария қоидаларига риоя қилинмаса, саломатлик учун хавф бўлади.

Бозорларда жуда тез бузилувчи мева ва сабзавотлардан тайёрланган консервалар кўпаймоқда. Ана шу қўлбола консервалар кўпинча харидорларнинг шифохонага тушишга сабаб бўлмоқда.

**Р.ҚОСИМОВ**
**Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Давлат санитария бош врачи.**

## Чоршанбадан Якшанбагача

**ҚЎЙ (21.03-21.04).** Сизнинг унумли меҳнат қилиб, чўнтагингизни тўлдиришингизга имконият туғилади. Дам олиш кунларингиз жанжалсиз ўтиши амри маҳол.

**БУЗОҚ (22.04-20.05).** Ҳафтада қизиқарли учрашувлар ва фойдали харидлар кутилмоқда. Чоршанбада сиз ўзингизнинг ажойиб ишбилармонлик хислатингизни намоён қиласиз. Пайшанба, жумада эса соғлиғингиз хуруж қилиши кутилади. Дам олиш кунларингиз омадли кечади.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06).** Ўта яхши ва унча яхши бўлмаган воқеалар ҳафтанинг тенг баробарида рўй беради. Чоршанба ва жума кунлари омадлар ғарови бўлади. Пайшанба ва якшанба деярли муваффақиятсиз кечади.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07).** Пайшанба омадсиз кунингиз бўлиши мумкин. Дам олиш куни озгина бетобланасиз, бу эса якшанбадаги муҳим учрашувингизга ҳалақит беради.

**АРСЛОН (23.07-22.08).** Ҳафтанинг биринчи ярмида сиз кўпгина хўжалик муаммоларингизни ечасиз. Пайшанба ва жумада сизнинг ишчанлик хислатларингиз намоён бўлади. Шанбада сизга ёқимли янгиликни хабар қилишади.

**ПАРИЗОД (23.08-22.09).** Чоршанбадан ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқасиз. Пайшанбада енгил зўриқишга дуч келасиз. Жума куни қимматли хабар эшитасиз. Дам олиш кунларида эса жанжалли ҳолатлар бўлиш эҳтимоли бор.

**ТАРОЗИ (23.09-22.10).** Сиз яхши ишлаб, молиявий аҳволингизни яхшилаб оласиз. Дам олиш кунлари янгиликларга бой. Кўнгил нохўшликлари кутилмайди.

**ЧАЁН (23.10-22.11).** Ҳафтанинг иккинчи ярми муваффақиятсизроқ - соғлиғингиз безовта қилиши мумкин. Бундан ташқари, турли жанжалли ҳолатлар содир бўлиши эҳтимоли бор.

**ЎҚОТАР (23.11-21.12).** Пайшанба хизмат юзасидан бўладиган учрашувларга бой, эсда қоларли воқеалар, ҳамда чоршанбада ишқий саргузаштлар билан тўладир. Дам олиш кунларингиз аъло даражада ўтади: спорт билан шуғулланинг, ёинки муаммоларингиз ҳақида бош қотиринг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01).** Чоршанба, пайшанба ва жумада ҳар қандай ишни уддалай оласиз. Дам олиш кунлари уй юмушлари билан ўтади, буларнинг барчаси беҳуда кетмайди.

**КОВҒА (20.01-18.02).** Оқим бўйича енгил сузиб, бир қарорга келмай туриб, ҳаракат қилманг. Пайшанбада кўп қизиқарли хабарлар эшитишингиз мумкин. Шанба жанжалли кун. Якшанбада эски дўстингиздан келган хабар сизни чексиз қувонтиради.

**БАЛИҚ (19.02-20.03).** Бу ҳафта ўз кўчинмаларингиз билан яшанг. Одамлар билан яхши муомалада бўлинг. Пайшанба куни харид учун барорли. Шанба кунингиз ишқий саргузаштга бой. Аммо, якшанбада бетобланиб қолишингиз мумкин.

## Сканворд




Тузувчи А. БЎРИЕВ.

## Янгисидан бор...

Операциядан сўнг жарроҳ сўради.

-Аҳволингиз қалай?

-Ҳозир яхши, лекин дастлаб худди биров бошимга гишт билан ургандек бўлди.

-Афсуски, гапингизгиз рост. Сизни операция хонасига олиб келишганда наркоз тугаб қолувди-да...

-Дугонажон, дўхтирга бориб, "Жуда семириб кетяпман, озиш учун нима қилсам бўлади?" - деб сўрасам, от мининг деди,миняпман.

-Хўш, оздингми?

-Ҳе қаёқда-а...от анча озиб қолди.

***

Дўхтир, кечаси яхши ухлай олмайман. Нима қилсам бўлади?

-Уйқуга ётишингиздан олдин сут ичинг, кейин битта олма енг.

-Ўтган йили шу санаторийга келганимда ухлашдан олдин қатиқ ичинг, деган эдингизку.

-Тўғри. Лекин бир йил ичида медицина жуда илгарилаб кетдида.

А.ҲАКИМОВ чизган расм.

MAHALLA
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ
Таҳрир ҳайъати: Шуҳрат ЖАЛИЛОВ, Иброҳим РАҲИМ, Расул РАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ.
Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Навбатчи: Саидолим АБДУРАХМОНОВ
Сахифаловчи А. ЮЛДАШЕВ
Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.
Буюртма Г-2737 Топширилди—20.30